ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАЛИЕВ БАХТИЁР СИРОЖИДДИНОВИЧ

БИРИНЧИ ТУР СИНГУЛЯР ИНТЕГРАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ УЧУН ОПТИМАЛ АЛГОРИТМЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УДК: 519.642.7

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАЛИЕВ БАХТИЁР СИРОЖИДДИНОВИЧ

БИРИНЧИ ТУР СИНГУЛЯР ИНТЕГРАЛ ТЕНГЛАМАЛАРНИ ТАҚРИБИЙ ЕЧИШ УЧУН ОПТИМАЛ АЛГОРИТМЛАР

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган..

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шадиметов Холматвай Махкамбаевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ҳаётов Абдулло Раҳмонович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Худойберганов Мирзоали Уразалиевич физика-математика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_________ 2022 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2022 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Р.Д.Алоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида аэродинамика, эластиклик назарияси ва бошқа амалий фанларнинг кўплаб масалалари кесмада ёки кесмалар системасида бир ўлчовли сингуляр интеграл тенгламаларни ечишга келтирилади. Квадратур формулалар ёрдамида ифодаланган сингуляр интеграл тенгламаларнинг тақрибий аналитик ечимлари сонли алгебра, сонли интеграллаш назарияси, интерполяция, аппроксимация ва бошқа шу каби масалаларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Сингуляр интеграл тенгламалар математика, физика ва механиканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Шунинг учун Соболев фазосидаги функциялар учун сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечишда оптимал квадратур, кубатур ва интерполяцион формулаларни қуриш, ҳамда уларнинг яқинлашиш тартибини яхшилаш ҳисоблаш математикасининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда етарлича силлиқ функциялар учун Соболев фазоларида оптимал, асимптотик оптимал ва тартиб бўйича оптимал квадратур ва кубатур формулалар қуриш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, кучсиз сингуляр интеграл тенгламаларни сонли-аналитик ечишда оптимал формулалар қуриш, уларнинг Соболев фазоларида хатоликларини баҳолаш кенг татбиқ этилмоқда. Маълумки, Соболев фазосидаги функциялар учун Абел типидаги кучсиз сингуляр тенгламаларни сонли-аналитик ечишда алгебраик аниқлик даражаси юқори бўлган формулаларни қўллаш яхши натижага олиб келади. Шу сабабли Соболев фазосида умумлашган Абел интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун ҳосилали, сингуляр вазнли оптимал квадратур формулаларни қуриш мақсадли илмий тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган механика, гидродинамика, аэродинамика, электродинамика, квант механикаси ва эластиклик назарияси масалаларини сонли-аналитик ечиш усулларини ҳосил қилиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Соболев фазоларида оптимал, асимптотик оптимал ва тартиб бўйича оптимал сонли интеграллаш формулаларини қуриш, уларнинг хатоликларини баҳолаш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика»[1]каби устувор йўналишлар бўйича ҳалкаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Қарор ижросини таъминлашда квадратур формулалар қуриш ва уларнинг хатоликларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий- тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4708-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Ҳозирда каср тартибли интеграллар ва ҳосилаларнинг, яъни, Абел умумлашган интгерал тенгламасининг амалий аҳамияти муҳимлигини таъкидлаш лозим. Ўз вақтида Абелнинг машҳур таутохрон масаласидан сўнг, ушбу масаланинг ечими Лиувилл томонидан биринчи бўлиб геометрия, физика ва механика масалаларига тадбиқ қилинган. Улар орасида магнитга чексиз тўғри чизиқли ўтказгичнинг таъсири бўйича Лаплас масаласи, иккита бундай ўтказгичнинг ўзаро таъсири бўйича Ампер масаласи, жисмлар тортишиши билан боғлиқ масалалар, шарда иссиқлик тарқалиш масаласи, тақрибий квадратуралар бўйича Гаусс масаласи ва бошқалар мавжуд. Охирги йилларда каср тартибли интеграл тенгламалар, интегро-диффференциал тенгламалар ва дифференциал тенгламар табиий жараёнларни ифодоловчи математик модел сифатида қаралмоқда. Турли фазоларда бундай тенгламаларнинг ечимлари мавжуд ва ягоналиги чуқур ўрганилмоқда. Шу билан бирга, кўп ҳолларда бу тенгламаларнинг аналитик ечимларини топиш мураккабдир. Шунинг учун каср тартибли интеграл, интегро-дифференциал ва дифференциал тенгламаларни тақрибий ечишнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Маълумки, бир қатор ишлар Абел интеграл тенгламасининг сонли ечимига бағишланган. Масалан, Li Huang, Yong Huang, Li Xian-Fang лар номаълум функциянинг Тейлор қаторини кенгайтиришдан фойдаланиб, Абел интеграл тенгламаси учун тақрибий ечим олишган. R.Piessens томонидан Абел интеграл тенгламасини Чебышев кўпҳадлари ёрдамида ечиш усули таклиф қилинди. S.A.Yousefi эса Абел интеграл тенгламасини Лежандр вейвлетлари билан ечиш учун сонли усулни таклиф қилган. Абел интеграл тенгламасининг номаълум функцияси учун Тейлор қатори ёрдамида тақрибий ечимни M.Yaghobifar, Nik N.M.A.Long, Z.K.Eshkuvatov лар қуришган. N.Singha ва C.Nahak ўзларининг тадқиқотларида ортогонал Лагерр кўпҳадлари ёрдамида умумлашган Абел интеграл тенгламасини тақрибий ечиш учун сонли яқинлашишни таклиф этишган. Абел интеграл тенгламасини тақрибий ечиш учун Эрмит вейвлетлари яқинлашишига асосланган сонли усулни R.A.Mundewadi, S. Kumbinarasaiah лар тақдим этишган. Salman Jahanshahi, Esmail Babolian, Delfim F.M. Torres, Alireza Vahidi ларнинг ишларида каср тартибли интеграллар ва Капуто маъносидаги каср тартибли ҳосилаларини яқинлаштиришга қўлланилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, С.Л.Соболев, В.Л.Васкевич ва Ҳ.М.Шадиметовларнинг ишларида панжарали квадратур ва кубатур формулаларни оптималлаштириш масаласи кўриб чиқилган. В.В. Ивановнинг ишларида сингуляр интегралларни ҳисоблашни оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Регуляр ва сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун оптимал формулаларни қуриш Б.Г.Габдулхаев, И.В.Бойков, М.И.Исраилов, Ҳ.М.Шадиметов, А.Р.Ҳаётов, Д.М.Ахмедов ларнинг ишларида давом эттирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг илмий-тадқиқот режаларининг ОТ-Ф4-86 “Гильберт фазоларида дифференциал ва интеграл тенгламаларни тақрибий ечишнинг оптимал методларини ишлаб чиқиш, ЁФА-Фтех-2018-13 “Сингуляр тенгламаларни тақрибий-аналитик ечишнинг оптимал алгоритмларини ишлаб чиқиш” мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумлашган Абел интеграл тенгламасини тақрибий ечиш учун оптимал квадратур формула қуриш ва уларнинг хатолик функционалларини дифференциалланувчи функциялар синфларда нормаларини ҳисоблашдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида Абел типидаги сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун квадратур формулалар хатолигининг юқоридан баҳосини топиш;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида биринчи тур Абел типидаги сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида биринчи тур Абел типидаги сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш ва хатоликларни баҳолаш учун ҳисоблаш алгоритмини $m=1$, $m=2$ ва $m=3$ ҳолларда амалга ошириш;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида Абел типидаги тенгламаларнинг тақрибий ечимларини топиш ва ечимларнинг хатолигини баҳолаш учун қулай дастур яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Биринчи тур сингуляр интеграл тенгламалари, умумлашган Абел интеграл тенгламари, квадратур формулалар, квадратур формулаларнинг хатолигини баҳосидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Экстремал функциялар, Соболев фазосида умумлашган Абел интеграл тенгламалар, кучсиз сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун оптимал квадратур формулалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, ҳамда дифференциал тенгламалар назарияси, умумлашган функциялар, дискрет аргументли функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Соболев фазосида Абел интеграл тенгламасининг тақрибий ечими учун квадратур формулаларнинг хатолик функционали нормасининг квадрати ҳисобланган;

Соболев фазосида Абел интеграл тенгламасининг тақрибий ечими учун оптимал квадратур формулаларнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган, ҳамда ушбу тенгламани ечиш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилган;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида биринчи тур Абел типидаги интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун $m=1$, $m=2$ ва $m=3$ ҳолларда квадратур формулаларнинг оптимал коэффициентлари топилган;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида Абел типидаги тенгламаларнинг тақрибий ечимларини топиш ва ечимларнинг хатолигини баҳолаш учун дастур яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

оптимал квадратур формула ёрдамида энергия ўзгартиришнинг иссиқлик циклларига асосланган қуёш энергетик қурилмалари учун иссиқлик тарқалиш тенгламаларини сонли ҳисоблаш схемалари қурилган;

турғунлиги оширилган тракторнинг конструктив, технологик параметрларини аниқлашда дифференциал ва интеграл тенгламалар ечимини тақрибий ҳисоблаш схемалари қурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги квадратур формулалар назарияси, ҳисоблаш математикаси, функционал анализ, дискрет аргументли функциялар назарияси методларини қўлланилганлиги, ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, Соболев фазосида умумлашган Абел интеграл тенгламасини тақрибий ҳисоблаш учун оптимал квадратур формула қурилган.

Физика, механика, эластиклик назарияси ва бошқа фанларнинг кўплаб масалаларини ечишда улар табиий равишда Абелнинг интеграл тенгламаларига ва сингуляр интегралларни ҳисоблашга келади. Ушбу ишда олинган оптимал квадратур формулалар ушбу масалаларни сонли ечиш учун қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соболев фазосида умумлашган Абел типидаги интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун оптимал алгоритмни ҳосил қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Соболевнинг m - тартибли ҳосиласи квадрати билан жамланувчи функциялар фазосида Абел интеграл тенгламаларини ечиш учун берилган алгоритмлардан ва қурилган оптимал квадратур формуладан ОТ-Ф-3-19 – “Энергия ўзгаришининг иссиқлик циклларига асосланган қуёш энергетик қурилмалари учун янги типдаги фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш” фундаментал лойиҳасида энергия ўзгартиришнинг иссиқлик циклларига асосланган қуёш энергетик қурилмаларида иссиқлик тарқалиш тенгламаларини ечиш учун сингуляр интегралларни хисоблашда фойдаланилган (Фарғона политехника институтининг 2021 йил 17 июлдаги маълумотномаси). Натижада, энергия ўзгартиришнинг иссиқлик циклларига асосланган қуёш энергетик қурилмалари учун иссиқлик тарқалиш тенгламаларини ечиш учун сингуляр интегралларни ҳисоблаш имконини берган;

$L_2^{(m)}(0,t)$ фазосида сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун қурилган квадратур формулалардан МВ-Атех-2018-94 “Чўл ерлари учун турғунлиги оширилган универсал-чопиқ тракторининг конструктив ва технологик параметрларини ишлаб чиқиш” фундаментал лойиҳасида турғунлиги оширилган тракторнинг конструктив, технологик параметрларини аниқлашда дифференциал тенгламалар, интеграл тенгламалар ечимини тақрибий ҳисоблашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 16 июндаги маълумотномаси). Натижада, дифференциал ва интеграл тенгламаларнинг тақрибий ечими турғунлиги оширилган тракторнинг конструктив, технологик параметрларини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 99 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш усуллари ва Абел интеграл тенгламаси**” деб номланган биринчи бобида $L_2^{(m)}$ фазосида Сард маъносида Абел интеграл тенгламасини ечиш учун оптимал квадратур формулалар қуриш масаласи қўйилган ва қўйилган масала биринчи қисми тўлиқ ечилган, яъни Соболевнинг қўшма $L_2^{(m)*}(0,t)$ фазосида қаралаётган квадратур формуланинг хатолик функционали нормаси топилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун маълум натижаларни муҳокама қилишга бағишланган. Математик физика ва кимёнинг баъзи муҳим масалалари муҳокама қилинади, масалан стереология, иссиқлик ўтказувчанлиги, ярим чексиз қаттиқ ва кристалл ўсишидан иссиқлик нурланиши кабилар Абел типидаги характерли сингуляр интегралларга киради. Бундай тенгламаларнинг ечимлари Абел типидаги сингуляр интеграллар ёрдамида ифодаланиши таъкидланади.

1.2-параграфда Абел интеграл тенгламаси масаласи ва ечими батафсил баён этилган. Интеграл тенгламага биринчи бўлиб Абел дуч келган. У битта механик масалани кўриб чиқишда игтеграл тенгламага келган ва Абел ҳолатида тенглама квадратура билан ҳал қилинди. Ушбу Абел масаласи, механиканинг бошқа масалалари каби дифференциал тенглама ёрдамида ифодалаш мумкин эмаслиги ва тарихий жиҳатдан интеграл тенгламаларни кўриб чиқиш зарурлигига олиб келган биринчи масалани англатиши билан қизиқ. Абел тенгламаси кўриниши қуйидагича

$$f(x) = \int_0^x \frac{\varphi(s)ds}{\sqrt{x-s}}.$$

Бу ерда $f(x)$ маълум функция, $\varphi(s)$ эса номаълум функция.
Абел тенгламасининг ечими ушбу кўринишда ифодаланади

$$\varphi(s) = \frac{1}{\pi}\left[\frac{f(0)}{\sqrt{s}} + \int_0^s \frac{f'(z)dz}{\sqrt{s-z}}\right].$$

Ушбу кўринишдаги

$$f(x) = \int_0^x \frac{\varphi(s)ds}{(x-s)^{\alpha}}, \qquad 0<\alpha<1$$

тенглама Абелнинг умумлашган тенгламаси дейилади ва унинг ечимини аналитик кўриниши

$$\varphi(s)=\frac{\sin\alpha\pi}{\pi}\left[\frac{f(0)}{s^{1-\alpha}}+\int_0^s\frac{f'(z)dz}{(s-z)^{1-\alpha}}\right].$$

Бизнинг мақсадимиз ушбу

$$\int_0^s\frac{f'(z)dz}{(s-z)^{1-\alpha}}$$

интегрални юқори аниқликда ҳисоблашдан иборат.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида Соболев фазосидаги вазнли оптимал, асимптотик оптимал ва тартиби бўйича оптимал квадратур формулаларини оптималлаштириш масаласининг функционал қўйилиши батафсил баён этилган.

Қуйидаги квадратур формулани қараймиз

$$\int_0^t\frac{\varphi(x)dx}{(t-x)^{1-\alpha}}\cong\sum_{\beta=0}^{N}C[\beta]\varphi(h\beta), \tag{1}$$

бу квадратур формуланинг хатолик функционали $L_2^{(m)}(0,t)$ Соболев фазосида қуйидагича

$$\ell(x)=\varepsilon_{[0,t]}(x)(t-x)^{\alpha-1}-\sum_{\beta=0}^{N}C[\beta]\delta(x-h\beta). \tag{2}$$

Бу ерда $\varphi(x)\in L_2^{(m)}(0,t),\quad t>0$ ихтиёрий чекли сон, $h=\dfrac{t}{N},\quad N\geq m$-натурал сон, $\delta(x)$-Диракнинг дельта функцияси, $\varepsilon_{[0,t]}$- [0,t] кесманинг характеристик функцияси, $C[\beta]$ - квадратур формуланинг коэффициентлари ва $C[\beta]=0,\, h\beta\notin[0,t],\ 0<\alpha<1.$

Ушбу $L_2^{(m)}$ функциялар синфи қуйидаги скаляр кўпайтма ёрдамида

$$<\varphi,g>=\int_0^t\left(\frac{d^m\varphi(x)}{dx^m}\right)\left(\frac{d^mg(x)}{dx^m}\right)dx.$$

гильберт фазоси бўлади.

Бу ишнинг мақсади $L_2^{(m)}(0,t)$ фазодаги (2) хатолик функционали нормасини коэффициентлар бўйича минималлаштириш ва чизиқли алгебраик тенгламалар системасини олиш ва система ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини исботлашдан иборат.

(1) квадратур формуланинг хатолик функционали нормаси квадрати ҳисобланган

$$\left\|\ell/L_2^{(m)*}\right\|^2=(-1)^m\left[\sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\beta'=0}^{N}C[\beta]C[\beta']G_m(\mathrm{h}\beta-\mathrm{h}\beta')\right.$$

$$\left.-2\sum_{\beta=0}^{N}C[\beta]\int_0^t(\mathrm{t}-\mathrm{x})^{\alpha-1}G_m(\mathrm{x}-\mathrm{h}\beta)\mathrm{dx}\right.$$

$$+\int_0^t\int_0^t (\mathrm{t-x})^{\alpha-1}(\mathrm{t-y})^{\alpha-1}G_m(\mathrm{x-y})\,\mathrm{dxdy}\Big] \;. \tag{3}$$

Бу ерда $G_m\left[\beta\right]=\dfrac{\left|h\beta\right|^{2m-1}}{2*(2m-1)!},\quad G_m\left[x\right]=\dfrac{\left|x\right|^{2m-1}}{2*(2m-1)!}.$

1.4 параграфда эса вазнли квадратур формуланинг $L_2^{(m)}(0,t)$ фазодаги экстремал функцияси ҳақидаги қуйидаги теорема исботланди.

Теорема 1. $L_2^{(m)}(0,t)$ фазода (1) квадратур формуланинг экстремаль функцияси ушбу тенглик билан аниқланади

$$U_\ell(x)=(-1)^m\ell(x)*G_m(x)+P_{m-1}(x).$$

Бу ерда ℓ - хатолик фунционали (2), $G_m(x)$ - Грин функцияси $\dfrac{d^{2m}}{dx^{2m}}$ дифференциал операторнинг фундаментал ечими, $G_m(x)=\dfrac{|\,x\,|^{2m-1}}{2(2m-1)!}$,

$P_{m-1}(x)$ эса $m-1$ даражали кўпхад.

Диссертациянинг “**Соболевнинг функционал фазосида Абелнинг умумлашган интеграл тенгламасини тақрибий-аналитик ечиш учун оптимал квадратур формулалар**” номли иккинчи бобида Соболев фазосида Абел типидаги сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун Сард маъносида оптимал квадратур формулаларни қуриш масаласи ечилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида (1) квадратур формуланинг оптимал коэффициентларин топиш учун чизиқли тенгламалар ситемаси олинган.

Ортогоналлик шарти билан (3) нормани минималлаштиришга ўтамиз

$$(\ell,\mathrm{x}^k)=0,\quad \mathrm{k}=0,1,...,\mathrm{m}-1\;, \tag{4}$$

$$(\ell,\mathrm{x}^k)=\int_0^t(\mathrm{t-x})^{\alpha-1}x^k dx-\sum_{\beta=0}^{N}C\left[\beta\right](\mathrm{h}\,\beta)^k\,,$$

ёки

$$\sum_{\beta=0}^{N}C\left[\beta\right](\mathrm{h}\,\beta)^k=\int_0^t(\mathrm{t-x})^{\alpha-1}x^k dx,\qquad k=0,1,...,m-1\;.$$

Бунинг учун Лагранжнинг аниқмас кўпайтувчилар усулини қўллаймиз. Ёрдамчи функцияни тузамиз

$$\Phi(\mathrm{C},\lambda)=\left\|\ell\,/\,L_2^{(\mathrm{m})*}\right\|^2+2\cdot(-1)^{m+1}\sum_{k=0}^{m-1}\lambda_k(\ell,\mathrm{x}^k)\;.$$

$\Phi(\mathrm{C},\lambda)$ функциядан $C\left[\beta\right]$ ва λ_k лар бўйича хусусий хосилаларни нўлга тенглаб, қуйидагини оламиз

$$\sum_{\beta=0}^{N}C\left[\beta\right]G_m(\mathrm{h}\,\beta-\mathrm{h}\,\gamma)+\sum_{k=0}^{m-1}\lambda_k\left[\gamma\right]^k=f_m\left[\gamma\right],\ \left[\gamma\right]=(\mathrm{h}\,\gamma)\in\left[0,t\right],$$

$$\sum_{\beta=0}^{N} C[\beta][\beta]^k = g_k, \qquad k=0,1,...,m-1,$$

бу ерда

$$f_m[\beta] = \int_0^t (\mathrm{t-x})^{\alpha-1} G_m(\mathrm{x-h}\,\beta)\,\mathrm{dx},$$

$$g_k = \int_0^t (\mathrm{t-x})^{\alpha-1}\,\mathrm{x}^k \mathrm{dx}.$$

(2) хатолик функционали нормасининг квадрати (1) формула $C[\beta]$, $\beta=0,1,...,N$ коэффициентларининг кўп ўзгарувчили квадрат функциясидир. (3) ифода (4) шартларда $C[\beta]$ коэффициентлари бўйича шартли минимумни топиш учун Лагранжнинг аниқмас кўпайтувчилари усулидан фойдаланамиз. Натижада $C[\beta]$, $\beta=0,1,...,N$ коэффициентларга нисбатан чизиқли тенгламалар системаси олинди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида бу система ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланади ва бу системанинг ечими (3) ифодага минимум бериши ҳам кўрсатилади. Бу минимумга мос келувчи $\overset{\circ}{C}[\beta]$ $(\beta=0,1,...,\mathrm{N})$ коэффициентли квадратур формула оптимал квадратур формула дейилади, $\overset{\circ}{C}[\beta]$ коэффициентлар эса квадратур формуланинг оптимал коэффициентлари дейилади.

2.3 параграфда юқоридаги алгоритм ёрдамида биз Абел типидаги сингуляр интегралларни ҳисоблаш учун мураккаб квадратур формулаларини олдик

$$\int_0^t \frac{\varphi(x)dx}{(t-x)^{1-\alpha}} \cong \sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\nu=0}^{\rho} C^{(\nu)}[\beta]\varphi^{(\nu)}[\beta]. \tag{5}$$

Бу ерда $C^{(\nu)}[\beta]$ квадратур формуланинг коэффициентлари, $[\beta]=h\beta$ тугун нуқталар.

(5) квадратур формулага мос хатолик функционали ушбу кўринишда

$$(l,\varphi) = \int \left[\frac{\varepsilon_{[0,t]}(x)}{(t-x)^{1-\alpha}} - \sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\nu=0}^{\rho} (-1)^{\nu}\delta(x-h\beta) \right] \varphi(x)dx.$$

Бу бобнинг 2.4 параграфида $L_2^{(m)^*}$ фазода мураккаб квадратур формуланинг хатолик функционали нормаси квадратининг кўриниши олинади

$$\left\| l \,|\, L_2^{(m)*} \right\| = (-1)^m \left[\sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\beta'=0}^{N}\sum_{\nu=0}^{\rho}\sum_{\nu'=0}^{\rho} C^{(\nu)}[\beta]C^{(\nu')}[\beta'] \cdot (-1)^{\nu'} G_m^{(\nu+\nu')}[\beta-\beta'] - \right.$$
$$\left. -2\sum_{\beta=0}^{N}\sum_{\nu=0}^{\rho} (-1)^{\nu} C^{(\nu)}[\beta]\, f_m^{(\nu)}[\beta] + K_m \right].$$

Бу ерда

$$f_m^{(\nu)}[\beta]=\frac{1}{2}\sum_{j=0}^{2m-1-\nu}(-1)^{\nu+j}\frac{(h\beta)^{2m-\nu-j-1}}{(2m-\nu-j-1)![\alpha+j]!}+\frac{(t-h\beta)^{2m-\nu+\alpha+1}}{[\alpha+2m-\nu-1]!},$$

$$K_m=\frac{t^{2m-1+2\alpha}}{[\alpha+2m-1]!(2m-1+2\alpha)},$$

$$[\alpha+2m-1]!=\alpha(\alpha+1)(\alpha+2)...(\alpha+2m-1),$$

$$[\alpha+2m-\nu-1]!=\alpha(\alpha+1)(\alpha+2)...(\alpha+2m-\nu-1),$$

$$[\alpha+j]!=\alpha(\alpha+1)(\alpha+2)...(\alpha+j).$$

Ушбу бобнинг 2.5 параграфида эса Абел типидаги сингуляр интегрални тақрибий ҳисоблаш учун мураккаб квадратур формуланинг оптимал коэффициентларини топиш алгоритми олинади.

$\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[\beta]$, $\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[0]$ ва $\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[N]$ коэффициентлар қуйидагича аниқланади

$$\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[\beta]=h^{-1}\left(F_k[\beta-1]-2F_k[\beta]+F_k[\beta+1]\right),$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[0]=\frac{P_k}{2}+h^{-1}\left[F_k[1]-F_k[0]\right],$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(k)}[N]=\frac{P_k}{2}-h^{-1}\left[F_k[N]-F_k[N-1]\right].$$

Диссертациянинг “**Мураккаб квадратур формулаларнинг оптимал коэффициентлари**” номли учинчи бобида $L_2^{(m)}(0,t)$ фазода $m=1$, $m=2$ ва $m=3$ ҳолларда алгоритм амалга оширилади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида $m=1$ бўлганда (5) квадратур формуланинг коэффициентларининг аналитик кўриниши олинган ва хатолик функционали нормасининг квадрати топилган.

Теорема 2. $L_2^{(1)}(0,t)$ фазода $\rho=0$ да (5) шаклдаги оптимал квадратур формулалар коэффициентлари қуйидаги формулалар билан аниқланади

$$\overset{\circ}{C}{}^{(0)}[0]=\frac{t^{\alpha}}{\alpha}+\frac{h^{-1}}{\alpha(\alpha+1)}\left((t-h)^{\alpha+1}-t^{\alpha+1}\right),$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(0)}[\beta]=\frac{h^{-1}}{\alpha(\alpha+1)}\left[(t-h(\beta+1))^{\alpha+1}-2(t-h\beta)^{\alpha+1}+(t-h(\beta-1))^{\alpha+1}\right],$$

$\beta=1,2,...,N-1$ бўлганда,

$$\overset{\circ}{C}{}^{(0)}[N]=\frac{h^{\alpha}}{\alpha(\alpha+1)}.$$

Теорема 3. (1) оптимал квадратур формула хатолик функционали нормасининг квадрати $L_2^{(1)}(0,\mathrm{t})$ фазода қуйидаги тенглик билан ифодаланади

$$\left\|\ell / L_2^{(1)*}(0,\mathrm{t})\right\|^2=\frac{1}{\alpha(\alpha+1)}\left[\sum_{\beta=0}^{N}\overset{\circ}{C}\left[\beta\right](\mathrm{t}-\mathrm{h}\,\beta)^{\alpha+1}-\frac{t^{2\alpha+1}}{2\alpha+1}\right].$$

Ва қуйидаги изоҳлар олинди.

Изоҳ 1. $h \to 0$ да $\overset{\circ}{C}\left[\beta\right]$ оптимал коэффициентлар нўлга интилади. Агар биз ушбу лимитни Лопитал қоидасини қўллаш орқали ҳисобласак, бу дарҳол келиб чиқади, чунки

$$\lim_{h\to 0}\overset{\circ}{C}\left[\beta\right] = \lim_{h\to 0}\frac{(\mathrm{t-h}(\beta+1))^{\alpha+1} - 2(\mathrm{t-h}\,\beta)^{\alpha+1} + (\mathrm{t-h}(\beta-1))^{\alpha+1}}{h\alpha(\alpha+1)}$$

$$= 2\beta t^{\alpha} - (\beta+1)t^{\alpha} - (\beta-1)t^{\alpha} = 0.$$

Изоҳ 2. Оптимал коэффициентларни бошқа шаклда ҳам ёзиш мумкин.

$\Delta^2\left[\beta\right] = \delta\left[\beta+1\right] - 2\delta\left[\beta\right] + \delta\left[\beta-1\right]$ бўлсин,

у ҳолда

$$\overset{\circ}{C}\left[\beta\right] = \frac{\mathrm{h}^{-1}}{\alpha(\alpha+1)}\Delta^2\left[\beta\right] * (\mathrm{t-h}\,\beta)^{\alpha+1}.$$

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида $m=2$ бўлган ҳолда (5) квадратур формуланинг коэффициентларининг аналитик кўриниши олинган хамда хатолик функционали нормасининг квадрати топилган.

Теорема 4. Қуйидаги квадратур формулалари орасида

$$\int_0^t \frac{\varphi(x)dx}{(t-x)^{1-\alpha}} \cong \sum_{\beta=0}^{N}\left(C^{(0)}[\beta]\varphi[\beta] + C^{(1)}[\beta]\varphi^{1}[\beta]\right)$$

$L_2^{(2)}(0,t)$ фазода коэффициентлари ушбу формулалар билан аниқланадиган ягона оптимал квадратура формула мавжуд, яъни оптимал коэффициентлар қуйидагича

$$\overset{\circ}{C}{}^{(1)}[0] = \frac{1}{h[\alpha+2]!}\left[(t-h)^{\alpha+2} - t^{\alpha+2}\right] + \frac{1}{2[\alpha+1]!}\left[(t-h)^{\alpha+1} + t^{\alpha+1}\right],$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(1)}[\beta] = \frac{1}{2[\alpha+1]!}\left[(t-h(\beta+1))^{\alpha+1} - (t-h(\beta-1))^{\alpha+1}\right] +$$

$$+\frac{h^{-1}}{[\alpha+2]!}\left[(t-h(\beta+1))^{\alpha+2} - 2(t-h\beta)^{\alpha+2} + (t-h(\beta-1))^{\alpha+2}\right],\ \beta = \overline{1, N-1}$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(1)}[N] = -\frac{h^{\alpha+1}}{2(\alpha+1)(\alpha+2)},\ h = \frac{t}{N},\ N = 1, 2, ...,$$

Ушбу бобнинг учинчи параграфида эса $m=3$ бўлганда (5) квадратур формуланинг коэффициентларининг аналитик кўриниши олинган.

Теорема 5. Қуйидаги квадратур формулалари орасида

$$\int_0^t \frac{\varphi(x)dx}{(t-x)^{1-\alpha}} \cong \sum_{\beta=0}^{N}\left(C^{(0)}[\beta]\varphi(h\beta) + C^{(1)}[\beta]\varphi^{(I)}(h\beta) + C^{(2)}[\beta]\varphi^{(II)}(h\beta)\right)$$

$L_2^{(3)}(0,t)$ фазода коэффициентлари ушбу формулалар билан аниқланадиган ягона оптимал квадратура формула мавжуд, яъни оптимал коэффициентлар қуйидаги кўринишга эга

$$\overset{\circ}{C}{}^{(2)}[0] = \frac{h}{12[\alpha+1]!}\left[(t-h)^{\alpha+1} - t^{\alpha+1}\right] + \frac{1}{2[\alpha+2]!}\left[(t-h)^{\alpha+2} + t^{\alpha+2}\right] +$$

$$+\frac{h^{-1}}{[\alpha+3]!}\Big[(t-h)^{\alpha+3}-t^{\alpha+3}\Big],$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(2)}[\beta]=\frac{h}{12[\alpha+1]!}\Big[(t-h(\beta+1))^{\alpha+1}-2(t-h\beta)^{\alpha+1}+(t-h(\beta-1))^{\alpha+1}\Big]+$$

$$+\frac{1}{2[\alpha+2]!}\Big[(t-h(\beta+1))^{\alpha+2}-(t-h(\beta-1))^{\alpha+2}\Big]+$$

$$+\frac{h^{-1}}{[\alpha+3]!}\Big[(t-h(\beta+1))^{\alpha+3}-2(t-h\beta)^{\alpha+3}+(t-h(\beta-1))^{\alpha+3}\Big],$$

$$\overset{\circ}{C}{}^{(2)}[N]=\frac{h^{\alpha+2}\alpha(\alpha-1)}{12[\alpha+3]!}.$$

Учинчи бобнинг тўртинчи параграфида ушбу бобда қурилган оптимал квадратур формуланинг афзалликларини кўрсатадиган сонли натижалар келтирилган ва олинган сонли натижалар чет эл олимлари олган натижалар билан солиштирилган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида биринчи тур сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечишнинг оптимал алгоритми яратилган. Бу ерда Абелнинг умумлашган биринчи тур сингуляр интеграл тенгламасини тақрибий ечиш учун янги оптимал алгоритм ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. Абел типидаги сингуляр интегралларни тақрибий ечиш учун квадратур формулаларнинг экстремал функцияси топилди.
2. Қаралаётган квадратур формуланинг хатолик функционали нормасининг квадрати ҳисобланди. Норманинг квадратини коеффициентлар бўйича минималлаштириб, ушбу квадратур формуланинг оптимал коеффициентларини топиш учун чизиқли алгебраик тенгламалар системаси олинди.
3. Олинган система ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.
4. Абел типидаги сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун мураккаб квадратур формулаларнинг оптимал коеффициентларини топишнинг янги алгоритми берилган.
5. $L_2^{(1)}(0,t)$, $L_2^{(2)}(0,t)$ ва $L_2^{(3)}(0,t)$ фазоларда оптимал квадратур формулалар қурилди.
6. $L_2^{(1)}(0,t)$ ва $L_2^{(2)}(0,t)$ фазоларда оптимал квадратур формула нормасининг квадрати ҳисобланди.
7. Сонли экспериментлар ўтказилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ДАЛИЕВ БАХТИЁР СИРОЖИДДИНОВИЧ

ОПТИМАЛЬНЫЕ АЛГОРИТМЫ ДЛЯ ПРИБЛИЖЕННОГО РЕШЕНИЯ СИНГУЛЯРНЫХ ИНТЕГРАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ ПЕРВОГО РОДА

01.01.03 – Вычислительная и дискретная математика

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2022

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрированна в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/FM342.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (http://ik-fizmat.nuu.uz/) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Шадиметов Холматвай Махкамбаевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Хаётов Абдулло Рахмонович** доктор физико-математических наук, профессор
	Худойберганов Мирзоали Уразалиевич доктор физико-математических наук, доцент
Ведущая организация:	**Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____________2022 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2022 года.
(протокол рассылки №________ от «____» _______________2022 года).

М.М. Арипов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

З.Р. Рахмонов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

Р.Д. Алоев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, многие задачи аэродинамики, теории упругости и других разделов прикладных наук сводятся к решению одномерных сингулярных интегральных уравнений на отрезке или на системе отрезков. Численно-аналитические решения сингулярных интегральных уравнений, выражаясь с помощью квадратурных формул, являются объектом исследований в области численной алгебры, теории численного интегрирования, интерполяции, аппроксимации и других подобных задач. Сингулярные интегральные уравнения широко используются в различных областях математики, физики и механики. Поэтому построение оптимальных квадратурных, кубатурных и интерполяционных формул приближенного решения сингулярных интегральных уравнений для функций в пространстве Соболева, а также улучшение порядка сходимости остается одной из актуальных задач вычислительной математики.

В настоящее время в мире построение оптимальных, асимптотически оптимальных и оптимальных по порядку квадратурных и кубатурных формул для достаточно гладких функций в пространствах Соболева приобретает все большее значение. В частности, широко используются построение оптимальных формул для численно-аналитического решения слабо сингулярных интегральных уравнений и оценка их погрешностей в пространствах Соболева. Известно, что использование формул с высокой алгебраической точности при численно-аналитическом решении слабо сингулярных уравнений типа Абеля для функций в пространстве Соболева приводит к лучшему результату. Поэтому построение оптимальных квадратурных формул с производными, сингулярной весью для приближенного решения обобщенных интегральных уравнений Абеля в пространстве Соболева является одним из целевых научных исследований.

В нашей стране большое внимание уделяется таким актуальным направлениям, как разработка численно-аналитических методов решения задач механики, гидродинамики, аэродинамики, электродинамики, квантовой механики и теории упругости, имеющих научные и практические приложения. В частности, значительные результаты были получены при построении оптимальных, асимптотически оптимальных и оптимальных по порядку формул численного интегрирования в пространствах Соболева и оценка их погрешностей. Проведение научных исследований на уровне международных стандартов по приоритетном направлениям «Функциональный анализ, алгебра, дифференциальные уравнения, математическая физика, математическое моделирование, вычислительная и дискретная математика, теория вероятностей и математическая статистика» в деятельности Института математики имени В.И.Романовского АН РУз, является одной из основных задач [2]. Для обеспечения выполнения

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–4708 «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики» от 07 мая 2020 года.

постановления важно построить квадратурные формулы, а также оценить их погрешности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП –№ 4947 от 07 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-№60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», в постановлениях ПП – № 2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», ПП – № 2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП –№ 3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», ПП – № 4708 от 07 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», а также в других нормативно–правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы.

